

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ДУРМАНОВ АКМАЛ ШАЙМАРДАНОВИЧ

**ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Дурманов Акмал Шаймарданович

Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-
иқтисодий механизмлари 3

Дурманов Акмал Шаймарданович

Организационно-экономические механизмы развития деятельности тепличных
хозяйств 25

Durmanov Akmal Shaymardanovich

Organizational and economic mechanisms for improving the activities of greenhouse
farms 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ДУРМАНОВ АКМАЛ ШАЙМАРДАНОВИЧ

**ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Iqt1087 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Сухроб Рустамович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Фармонкул Турсунқулович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбой Давлетбаевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини белгиловчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш масаласи жаҳон иқтисодиётининг долзарб муаммоларига айланди. Зеро, дунё бўйича аҳоли сонининг тобора ўсиб бориши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни мутаносиб равишда ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу эса, инсониятга иқтисодиётни экстенсив ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиб бўлинган бир шароитда хўжалик юритишнинг замонавий усуллари яратиш мажбуриятини юклармоқда. Шу боис, ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ноанъанавий ишлаб чиқариш, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида етиштириш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш, ҳимояланган ерларда хўжалик юритиш механизмларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш эвазига ҳал қилинмоқда.

Антропоген омиллар таъсири оқибатида дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгариши, “иссиқхона эффекти” каби экологик инқирозлар мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб берувчи асосий тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, “... 2100 йилга бориб иссиқхона эффекти оқибатида жаҳон ялпи ички маҳсулоти 20 фоиздан ортиққа пасайиши”¹ башорат қилинмоқда. Бу эса, ушбу антропоген омилларнинг салбий таъсирларини юмшатиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқлим ўзгаришларига мослаштириш тадбирларини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу жиҳатдан, иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш глобал кўламда долзарб вазифа сифатида юзага чиқди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид қобилиятларини мустаҳкамлаш борасида кенг тармоқли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида “... иссиқхона хўжаликларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш”² каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Шу жиҳатдан ҳимояланган ерларда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг

¹ <https://www.reuters.com/article/us-climatechange-floods-study-idUKKCN24V2RZ>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли қарори. - <https://lex.uz/docs/4249824>

ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сон “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхоналарни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иссиқхоналарда сабзавотчилик ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш масалалари, сабзавот етиштирувчи корхоналарда сарф-харажатларни бошқариш ва ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш муаммолари Е.А.Суслов, И.А.Минаков, А.В.Никитин, Н.П.Касторнов, Е.В.Закшевская, В.З.Мазлоев, Н.Р.Куркина, И.Т.Фарниева, Douglas Cox, Composting Natalia Clifton, Storage John W. Bartok, Taryn LaScola, Pesticide Division, K. John Holmes³ ва бошқа хорижий тадқиқотчиларнинг изланишларида ўз аксини топган.

Мамлакатимизда эса мазкур муаммо бўйича Ф.Қ.Қаюмов, Р.Ҳ.Ҳусанов, Қ.А.Чориев, С.С.Ғуломов, Ф.Х.Назарова, Н.С.Хушматов, Р.Д.Дусмуратов, Ф.Т.Эгамбердиев, С.Р.Умаров, Г.А.Саматов, И.Б.Рустамова, О.Т.Жумаев,

³ Суслов Е.А. и др. Зарубежная и отечественная практика маркетинга овощей. - Монография. – Москва: Центр информации и технико-экономических исследований агропромышленного комплекса ГНУ ВНИИЭСХ, 2007. – 96 б.; Минаков И.А., Никитин А.В., Касторнов Н.П. и др. Экономика и организация производства овощей: Монография. – Мичуринск: Изд-во Мичуринский госагроуниверситет, 2010. – 184 б.; Закшевская Е.В. Функционирование и развитие рынка овощей. - Воронеж: НИИЭОАПК. – 2009. - 186 б.; Мазлоев В.З. Государственное регулирование формирования рыночных отношений в региональном аграрно-промышленном комплексе. – М.: РУДН, 2000. – 219 б.; Куркина Н.Р. Совершенствование организационно-экономического механизма развития системы продовольственного обеспечения. – автореферат диссертации к.э.н. – Москва, 2010. – 24 б.; Фарниева И.Т. Зарубежный опыт функционирования организационно-экономического механизма управления в системе АПК. - Известия Горского государственного аграрного университета, 2011 - С. 282 б.; Douglas Cox, Composting Natalia Clifton, Storage John W. Bartok, Taryn LaScola, Pesticide Division. Massachusetts greenhouse industry best management practices guide. 2002. – 152 б.; K. John Holmes. Modeling the economics of greenhouse gas mitigation. National Academy of Sciences. 2011. – 161 б.

О.Г.Дилмуродов, З.А.Сагдиллаева, Д.Н.Саидова, С.Т.Искандаров⁴лар каби қатор аграр иқтисодчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожланишининг ташкилий-иқтисодий-механизмларини, айниқса, иссиқхоналарда сабзавотлар етиштирадиган хўжаликларни барқарор ривожлантириш ҳамда сабзавотлар бозорини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масаласи алоҳида тадқиқот мавзу сифатида ўрганилмаганлиги боис, шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини давомийлигини таъминлаш мазкур муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини назарий асослаш ҳамда уларда етиштириладиган сабзавотлар бозорини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иссиқхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилиб, уларни республика иссиқхоналарида жорий қилиш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари бозорини ривожланишида иссиқхона хўжаликлари ҳамда уларда етиштирилган сабзавотларни ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш;

сабзавотчилик маҳсулотлари бозорида товар таклифини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

⁴ Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. - М.: Полиграм, 1992. - 72 с.; Хусанов Р.Х. Аграрная реформа (теория, практика, проблемы). - Т.: 1994. - 55 б.; Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истикболлари (услугий тавсиялар). - Т.: 2014. - 10 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес - ўқув қўлланма. - Т.: 2004 - 233 б.; Назарова Ф.Х. Ўзбекистон аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш омиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2007. - №10. - Б. 10-12; Хушматов Н.С. Интенсив боғдорчилик: тадбирли бўлсак фойда кўрамиз, аксинча... // Agro hidro news, 2021. - №2. - Б. 18-19; Дусмуратов Р.Д. Внутрихозяйственное регулирование производства и издержек в овощеводстве в условиях становление рынка. - дисс. ... к.э.н. - Т.: 1994. - 154 с. Эгамбердиев Ф.Т. Повышение эффективности овощного подкомплекса в новых условиях хозяйствования. - авт. дисс. ... к.э.н. - Т.: 1990. - 18 б.; Umarov S.R. Greenhouse Vegetable Market Development Based on the Supply Chain Strategy in the Republic of Uzbekistan. - International Journal of Supply Chain Management, 2019. - Vol. 8, - №5. - p. 864-874.; Саматов Г.А. ва б. Иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш ва юритиш. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2007 - 280 б.; Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2016 - 290 б.; Жумаев О.Т. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуасида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. - Тошкент, 2004. - 152 б.; Дилмуродов О.Г. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида маҳсулот сотишнинг логистик занжирини такомиллаштириш. - дисс. ... и.ф.н. - Т.: 2010. - 152 б.; Сагдиллаева З.А. Экономическая эффективность овощеводства защищенного грунта в условиях становления рынка: - дисс... к.э.н. - Т.: 1995. - 120 с.; Искандаров С.Т. Сабзавотчилик тармоғида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари. Монография. - Т.: Fan va texnologiya, 2016. - 152 б.

иссиқхона хўжаликларида сабзавотчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

иссиқхоналарда сабзавотчиликни ривожлантиришни таъминлайдиган тадбирларни давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

истиқболда иссиқхоналарда сабзавот маҳсулотларини етиштириш тенденциялари бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида иссиқхона фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий таҳлил, мантиқий ва абстракт фикрлаш, анкета-сўров ўтказиш, комплекс ва тизимли ёндашув, иқтисодий-математик моделлар, монографик кузатув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини “паст” (0-0,16), “ўртача” (0,16-0,26) ва “юқори” (0,26-1) интеграл мезонлари асосида аниқлаш бўйича услубий ёндашув такомиллаштирилган;

давлат-хусусий шериклик асосида ресурстежамкор технологиялар билан жиҳозланган сабзавотчилик иссиқхоналарининг “Сирдарё худудий сабзавотчилик кластери”ни ташкил этиш таклиф этилган;

иқтисодий манфаатдорлик, инфратузилмалар ва бозор конъюнктураси каби омилларнинг сабзавот маҳсулотлари етиштиришга таъсир даражалари асосида иссиқхоналарда экинларни мақбул жойлаштириш сценарийлари таклиф этилган;

очик ва ёпиқ ҳимояланган ерларда экспортбоп сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган, энерготежамкор технологиялар жорий қилинган “ақлли” иссиқхона хўжаликларида сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг 2030 йилгача истиқболли прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иссиқхона сабзавотчилиги бозорининг ривожланиш ҳолатини “лайкерт шкаласи” асосида (“имкониятлар”, “тўсиқлар”, “афзалликлар”, “камчиликлар”) каби сегментларни 100 баллгача) баҳолаш бўйича услубий ёндашув таклиф этилган;

иссиқхоналарда сабзавот маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишга ташкилий-иқтисодий омилларнинг таъсир даражалари (Кронбах альфа коэффициенти кўрсаткичи 0,88 индексга эга) аниқланган;

мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда иссиқхоналар фаолиятини ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган;

худудий-кластер, кооперацион ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларидан келиб чиқиб, иссиқхоналарда сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг истиқболдаги ривожланиш тенденциялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларидан фойдаланилганлиги, олимларнинг сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, изланиш жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек таклиф ҳамда тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, бозор сегментацияси ва истеъмолчиларнинг истакларини ҳисобга олган ҳолда, ҳимояланган майдонлар сабзавотчилигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар иссиқхоналар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавотлар бозорини ривожлантириш ва уларда товар таклифини шакллантириш, ҳимояланган майдонлардаги сабзавотчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ҳамда олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”, “Логистика”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини интеграл мезонлар асосида аниқлаш бўйича услубий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 05/032-4158-сон маълумотномаси). Натижада, сабзавот маҳсулотларини халқаро бозорлардаги рақобатбардошлик даражаси ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг қиймати, ички бозорда маҳсулотга бўлган талабни қондириш, иқлим шароитлари, геосиёсий вазият, савдони эркинлаштириш каби омиллардан иборат халқаро услубиётлар асосида баҳоланиб, мамлакатимизнинг рақобатбардошлик интеграл баҳоси 0,14 (паст (0-0,16) эканлиги аниқланган;

давлат-хусусий шериклик асосида ресурстежамкор технологиялар билан жиҳозланган сабзавотчилик иссиқхоналарининг “Сирдарё худудий сабзавотчилик кластери”ни ташкил этиш бўйича таклифи Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3

декабрдаги 05/032-4158-сон маълумотномаси). Натижада иссиқхона маҳсулотини етказиб берилиши ҳисобига “Bek cluster” МЧЖ ҚКнинг ишлаб чиқариш-ташиш харажатлари 6,8 млн. сўм, ўртача сотиш нархи 7 минг сўм/кг бўлганда, йиллик даромади қўшимча 10630 млн. сўмга ошиши асосланган;

иктисодий манфаатдорлик, инфратузилмалар ва бозор конъюнктураси каби омилларнинг сабзаёт маҳсулотлари етиштиришга таъсир даражалари асосида иссиқхоналарда экинларни мақбул жойлаштириш сценарийлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 05/032-4158-сон маълумотномаси). Натижада, иссиқхоналарда сабзаёт маҳсулотларини етиштириш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг ишончлилиқ даражаси 0,88 коэффициентга тенг эканлиги аниқланиб, экинларни мақбул жойлаштириш бўйича сценарийлар таклиф этилган;

очиқ ва ёпиқ ҳимояланган ерларда экспортбоп сабзаёт маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган, энерготежамкор технологиялар жорий қилинган “ақлли” иссиқхона хўжаликларида сабзаёт маҳсулотларини етиштиришнинг 2030 йилгача истиқболли прогнози Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 05/032-4158-сон маълумотномаси). Натижада, 2030 йилга бориб, иссиқхоналарда 3,5 млн. тоннадан ортиқ помидор ва 1,2 млн. тоннага яқин бодринг, 1,6 млн. тонна цитрус мевалар ва 1,3 млн. тоннага яқин карам ва бошқа маҳсулотлар етиштирилиши башорат қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 11 та мақола, шундан 4 таси маҳаллий, 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бозор иқтисодиёти шароитида иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида иссиқхона хўжаликлари фаолиятида ташкилий-иқтисодий механизмларнинг моҳияти ва элементлари, иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавотлар бозорини ривожлантиришнинг назарий асослари ҳамда иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Сабзавот маҳсулотларини етиштирадиган иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг ўзаро боғлиқлиги хўжаликларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ташкилий-иқтисодий механизмлар элементлари макро ва микро даражада бўлиб, улар ўзаро бир-бирларини тўлдиради. Шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ўртасидаги ташкилий муносабатларни шакллантиради.

Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш керак:

– ҳар бир ҳудуднинг геотермал ҳолати, маҳсулот етиштиришга хос бўлган ихтисослашувини аниқлаш;

– гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда техник, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар ҳамда уларнинг уруғларини етиштириш ва сотиш;

– маҳаллий ва хорижий селекция навларининг мавжуд тўпламлари асосида ҳосилдорлиги ва сифати юқори, зараркунанда ва касалликларга чидамли, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари ва дурагайлларини етиштириш тизимини яратиш;

– қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагайлларини яратиш бўйича илмий ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кадрларни шартномалар асосида таълим муассасаларида уруғчилик соҳасида малакасини ошириш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Иссиқхоналарда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини барқарор ривожлантириш учун иқтисодий, ташкилий ва тузилмавий шарт-шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий шарт-шароитлар сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларга бўлган эҳтиёж даражасига таъсир кўрсатади. Уларга ишлаб чиқариш-иқтисодий, яъни корхонанинг молиявий ривожлантириш ҳолати, ресурслар билан таъминланганлик даражаси, инвестицион фаолият, илмий-техник ва экспорт тараққиёти имкониятлари, бозордаги рақобат даражаси каби шарт-шароитлар киради.

Ташкилий шарт-шароитлар эса, иссиқхона маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштириш, корхона фаолиятини тизимлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, тармоқни ривожлантиришнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари, ишлаб чиқаришни мониторинг ва назорат

қилиш, солиқ назорати, тариф сийёсати назорати ва санитария-эпидемиология назоратларини қилиб туришни ўз ичига олади.

Тузилмавий шарт-шароитларга иссиқхона сабзавотчилиги соҳасидаги ўзаро муносабатлар тизими, ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг мавжудлиги, уларнинг ахборот-маълумотлар таъминоти даражаси ва соҳани инфратузилмавий таъминланганлик ҳолатлари киради.

Сўнгги йилларда дунёда қўриқланадиган ер майдони 24 фоизга ўсган. Бугунги кунда дунёдаги иссиқхоналар майдони эса 497,8 минг гектарни ташкил этмоқда. Ушбу майдоннинг 90 фоизи пластик иссиқхоналар ва 10 фоизи шиша иссиқхоналар билан таъминланган. Мутахассисларнинг фикрича, иссиқхоналар майдони йилига 11 фоизга кўпайиб, 2021 йилга келиб 750 минг гектарни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, Европа иссиқхоналар соҳасида етакчи ҳисобланиб, 210 минг гектар иссиқхонага эга (42,2%). Осиёда – 180,5 минг га (36,3%), Африка – 45,3 минг га (9,1%), Шимолий Америка – 31,8 минг га (6,4%), Яқин Шарқ – 14,6 минг га (2,9%), Жанубий Америка – 14 минг га (2,8%) ва Океанияда – 1,6 минг га (0,3%) ер майдонида иссиқхоналар мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда қўриқланадиган ер майдони Ўзбекистон ҳудудига қараганда анча юқори бўлсада, республика иссиқхоналар майдони бўйича биринчи ўнталикка киради. Ўзбекистонда иссиқхоналар майдони Исроилдан икки баравар кўп бўлса ҳам, лекин экспорт ҳажми бўйича сезиларли даражада орқада қолмоқда. Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига 0,243 га иссиқхона майдони тўғри келади. Ушбу иссиқхоналарда ҳосилдорлик 3-10 кг/м² ни ташкил этган бўлса, ривожланган мамлакатларда эса ушбу кўрсаткич 50-60 кг/м² га тенг. Ушбу натижага эришиш учун мамлакатимиздаги мавжуд иссиқхоналарга инновацион ишланмаларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий экспертларнинг тажрибалари асосида, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда иссиқхоналарда етиштирилган сабзавот маҳсулотларининг халқаро бозордаги рақобатбардошлиги аниқланди. Унга кўра, рақобатбардошликнинг таъсир кўрсатиш даражаси ишлаб чиқариш ҳажми (*X1*, устунлик қиймати 0,02), ишлаб чиқариш қиймати (*X9*, 0,05), ички бозорда маҳсулотга бўлган талабни қондириш даражаси (*X10*, 0,21), иқлим шароитлари (*X12*, 0,27), геосийёсий вазият (*X13*, 0,09), савдони эркинлаштириш даражаси (*X14*, 0,36) каби омиллар орқали аниқланди (1-жадвал).

Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон иссиқхоналари саноатлашган давлатлардан анча пастдир. Унинг ҳажми Хитойга қараганда 43 баробар, Америка Қўшма Штатларига нисбатан 5 баравар паст бўлиб, Голландия билан мос келади.

Нарх жиҳатидан энг юқори рақобатбардошлик Голландияда бўлиб, Ўзбекистон ушбу мезон бўйича энг паст рақобатга эга. Масофавий нарх, шунингдек, тегишли иқлим шароитини сақлаб қолиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади, лекин бу омил *X12* мезонига мувофиқ баҳолашда эътиборга олинган. Хитой ва АҚШда сабзавотларнинг салбий савдо баланси кузатилган. Бу шуни англатадики, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми сезиларли даражада юқори бўлишига қарамасдан, ички талаб маҳаллий ишлаб


чиқарувчилар томонидан тўлиқ қондирилмайди. Сотишдан тушган тушум Голландияда юқори бўлиб, бу эса ички талабни қондиришни англатади.

1-жадвал.

Иссиқхоналарда етиштирилган сабзавот маҳсулотларининг халқаро бозордаги рақобатбардошлик кўрсаткичлари⁵

Давлатлар номи	Кўрсаткич					
	X1	X9	X10	X12	X13	X14
Голландия	0,02	0,54	0,62	0,22	0,33	0,62
Хитой	0,86	0,14	0,08	0,24	0,26	0,01
АҚШ	0,1	0,27	0,09	0,27	0,32	0,01
Ўзбекистон	0,02	0,05	0,21	0,27	0,09	0,36

Ташқи бозордаги рақобатбардошлик кўрсаткичлари мезонларига кўра, мамлакатимиз иссиқхоналарида етиштирилган сабзавотлар савдосининг асосий муаммоси маҳсулотни экспорт қилиш ва диверсификация қилиш даражасининг пастлигидадир. Бозорда сотиладиган сабзавотларнинг нархлар даражаси асосан фойда олишга йўналтирилган. Нархлар бозорнинг жозибадорлигини белгилайди. Иссиқхоналарнинг нарх ва рақобат афзалликларига қараб, ушбу бозорда ҳатти-ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Халқаро бозорда мамлакатларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари (2019 йил)⁶

Халқаро сабзавот бозоридаги рақобатбардошлик баҳоланганда, интеграл баҳолаш бўйича Ўзбекистон – 0,14 кўрсаткични эгаллайди. Голландияда сотувлар бозорида рақобатбардошлик даражаси юқори, яъни 0,42 га тенг. Интеграл кўрсаткичга асосланиб, сабзавотлар учун мамлакатларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини баҳоланишнинг миқдорий ва сифат жиҳатлари аниқланди (2-жадвал).

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Иссиқхонада етиштирилган сабзавотларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлик даражасини интеграл баҳолаш мезони⁷

Сифат кўрсаткичлари	Кўрсаткич даражаси
Паст	[0; 0,16)
Ўртача	[0,16; 0,26)
Юқори	[0,26; 1]

Жадвалдан кўришиб турибдики, иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавот маҳсулотларининг халқаро бозордаги рақобатбардошлик даражалари “паст” (0-0,16), “ўртача” (0,16-0,26) ва “юқори” (0,26-1) интеграл баҳолаш мезонлари орқали баҳоланади.

Ўзбекистонда иссиқхоналарда етиштирилган сабзавотларнинг халқаро бозорлардаги савдосини ривожлантириш учун маркетинг стратегиясини такомиллаштириш лозим. Бунда аввало, Европа Иттифоқи, Япония, Корея ва Хитой стандартларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотларни етказиб беришни диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки бу мамлакатлар юқори харид қобилияти билан ажралиб туради. Шунинг учун давлат иссиқхоналарда етиштирилган сабзавотларни, қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотларни юқори харид қобилиятига эга бўлган давлатларга етказиб берувчи ихтисослашган ташкилотларни ташкил этишга ва ривожлантиришга кўмаклашиши керак.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда иссиқхоналар фаолиятини ривожланишининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда иссиқхоналарнинг самарадорлиги, иссиқхоналарда етиштирилган сабзавотларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иссиқхона сабзавотчилик маҳсулотлари бозорида товар таклифини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишлари келтирилган.

2020 йилда мамлакатимизда 334 та янги иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, ушбу даврда жами иссиқхоналар сони 2667 тага тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 2667 та иссиқхонанинг 266 таси ёки 10 фоизга яқини гидропоникани ташкил этади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган иссиқхоналарнинг асосий қисми, яъни 26,3 фоизи (702 та) Бухоро вилояти, 19,6 фоизга яқини (522 та) Тошкент вилояти, 9,8 фоизи (261 та) Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Гидропоника иссиқхоналари улуши эса асосан Бухоро (27,1 %), Хоразм (12,8 %), Самарқанд (11,3 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иссиқхоналар майдони 8200 гектардан ошган бўлиб, ҳар хил конструкцияли иссиқхоналарнинг йиллик ўсиши 100-150 гектарни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда 600 гектар ойнаванд, 5000

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

гектардан кўпроқ иситиладиган ва иситилмайдиган плёнкали (Хитой технологияси) иссиқхоналар мавжуд. Бундан ташқари, Корея технологияси асосида қурилган икки қаватли плёнка билан ёпилган, ҳаво билан иситиладиган ва замонавий Голландия, Исроил технологиялари асосида ишлайдиган кичик ҳажмли иссиқхоналар ҳам мавжуд. Бугунги кунда бир гектар майдонда ойнаванд иссиқхоналарни қуриш учун 1,0-1,1 млн. АҚШ доллари, плёнкали иситиладиганлар учун 350-400 минг АҚШ доллар, Хитой технологияси асосида қуриладиганлар учун 80,0-100,0 минг АҚШ доллар, Жанубий Корея технологияси асосидаги икки қаватли плёнкали учун 300-350 минг АҚШ доллар ва замонавий кичик ҳажмли майдондаги ҳамда гидропоникали иссиқхоналар учун 1,6-2 млн. АҚШ доллар миқдорида харажатлар талаб этилади.

Мамлакатимизда ёпиқ майдонларда етиштириладиган сабзаёт маҳсулотлари ҳажмининг кўпайиши ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига эмас, балки экин майдонларининг кенгайиши ҳисобига юз бермоқда. Замонавий иссиқхоналарда ҳосилдорлик ҳар гектаридан 250 тоннага етказилса, қилинган харажатлар 5-6 йил мобайнида қопланади. Лекин ҳозирги кундаги ҳосилдорлик ҳисобига сарфланган харажатлар 10 йилдан ортиқроқ муддатда қопланмоқда.

Иссиқхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаш мақсадида, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ҳамда Бухоро вилоятларидаги иссиқхона хўжаликларида фаолият юритаётган 200 нафар шахслардан сўровномалар ўтказилди. Сўровнома иштирокчиларининг 94 таси (47%) 0,10-0,99 гектар, 69 таси (34,5%) 1-5 гектар, 28 таси (14%) 6-15 гектар, 9 таси (4,5%) 16 гектардан ортиқ иссиқхона майдони мавжуд хўжаликларни ташкил этади.

Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришда ташкилий-иқтисодий механизмларнинг таъсири ўтказилган сўровнома натижалари орқали аниқланди. Бу жараён Лайкерт шкаласини тузишга асосланган бўлиб, бунда умумлаштирилган баҳолаш усули ҳамда Спирменнинг корреляцион коэффициентларини ҳисоблаш орқали натижаларга эришилган.

Лайкерт шкаласининг ҳар хил модификациялари мавжуд бўлиб, улар иккидан етти баллгача баҳоланади. Биз бешта баҳолашдан иборат классик шкаладан фойдаландик, яъни: тўлиқ қўшиламан – 5 балл; розиман – 4 балл; қисман рози – 3 балл; қўшилмайман – 2 балл; мутлақо рози эмасман – 1 балл (3-жадвал).

Юқорида келтирилган усуллар асосида, ўтказилган сўровнома натижалари таҳлил қилиниб, шу асосда иссиқхона сабзаётлари бозорининг ривожланишига ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, SWOT-таҳлили ўтказилди.

Сабзаётчилик соҳасида бошқарувчилар ва мутахассислар фикрини ҳисобга олиб, барча омиллар даражаланиб, кучли, заиф томонлар, бозорни ривожланиш имкониятлари ва хавфлари бўйича баллар (ҳар бир сегмент бўйича кўпи билан 100 балл) белгиланди. SWOT таҳлили орқали иссиқхона сабзаётлар бозорининг кучли ва заиф томонлари, имкониятлар ва хавфли жиҳатлари таҳлил қилинди. Унга кўра, бозорнинг кучли томонларини истеъмолчиларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчининг маҳсулотига ишончи (30

балл), брендни ҳурмат қилиш (30 балл), заиф томонларини эса ишлаб чиқаришнинг табиий-иқлим шарт-шароитларга боғлиқлиги ва мавсумийлиги (15 балл), энергия ва иссиқлик ресурсларининг юқори нархлари (35 балл), модернизациялаш учун йирик харажатлар (10 балл) ҳамда сабзавотларни минтақалардан тез етказиш учун логистика базасининг йўқлиги (транспорт, омборлар) (10 балл) ташкил этади.

3-жадвал.

Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожланишига таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий омилларнинг Лайкерт шкаласи орқали баҳолаш шакли⁸

№	Саволлар	Мутлақо рози эмасман	қўшилмайман	қисман розиман	розиман	тўлиқ қўшиламан
		Тавсия этилган баллар				
		1	2	3	4	5
1.	Иқтисодий манфаатдорлик (ИМ) омили бўйича (10 та савол)	<input type="checkbox"/>				
2.	Инфратузилма омили бўйича (10 та савол)	<input type="checkbox"/>				
3.	Иссиқхона фаолияти билан шуғулланиш кўникмасини осон ўрганиб олиш бўйича (13 та савол)	<input type="checkbox"/>				
4.	Рақобатчилар таъсири омили бўйича (8 та савол)	<input type="checkbox"/>				
5.	Иссиқхона хўжалиги ривожланишининг омилларга боғлиқлиги бўйича (14 та савол)	<input type="checkbox"/>				

Иссиқхона сабзавотлар бозорининг SWOT-таҳлили ва ҳар бир омилнинг таъсири асосида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда сабзавотлар бозорида ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиб, бозорнинг барқарор ривожланиш стратегиясини белгилаш мумкин.

Ҳозирги пайтда иссиқхона майдонларининг 90 фоиздан ортиқ қисмида помидор ва бодринглар етиштирилиб, улар фойданинг асосий улушини ташкил этади (4-жадвал).

Ҳар йили маҳсулотни қўшни минтақаларга юклаб жўнатиш имконига эга бўлган учта иссиқхона хўжалиги – “Bek cluster” МЧЖ ҚК (В), “Green capital” МЧЖ (З), “Agro Invest production” МЧЖ (К)да бодрингни сотишнинг минтақалараро балансли ишлаб чиқариш-логистик моделини тузамиз.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу масаланинг математик модели қуйидаги кўринишга эга:
 $F = 53x_{11} + 55x_{12} + 54x_{13} + 55x_{14} + 58x_{15} + 60x_{21} + 57x_{22} + 47x_{23} + 55x_{24} + 50x_{25} + 56x_{31} + 48x_{32} + 58x_{33} + 63x_{34} + 61x_{35} \rightarrow \min$

4-жадвал.

**Иссиқхона хўжаликларида сабзавотларни
ишлаб чиқариш тузилмаси динамикаси, %⁹**

Маҳсулот тури/ йиллар	1990	2005	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
помидор	60,7	60,9	69,5	69,9	68	70	71	67	64,2	68,8	67,0
бодринг	34,5	32,7	20,9	21	23	20,9	22	25	28	24,6	25,3
қалампир	3,57	2,3	4,2	3,2	3	3,2	1,5	3	3	1,8	1,6
кўкатлар		3,8	4,8	5	5,1	5,1	5	4,2	4	2,3	2,1
бошқалар	1,23	0,3	0,6	1,2	0,9	0,8	0,5	0,8	0,8	2,5	4,0

Ушбу ҳисоблаш натижалари, Сирдарё вилоятидан Самарқанд шаҳрига 1100 тонна миқдорида, Жиззах шаҳрига – 186 тонна миқдорида, Тошкент шаҳрига 114-200 тонна миқдорида иссиқхона маҳсулотини етказиб берилиши мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Иссиқхона маҳсулотини сотишнинг минтақалараро балансли ишлаб чиқариш-логистик моделини ҳисоблаш натижасида “Bek cluster” МЧЖ ҚҚнинг ишлаб чиқариш-ташиш харажатлари 6,8 млн. сўм, ўртача сотиш нархи 7 минг сўм/кг бўлганда, даромад – 10630 млн. сўмни ташкил этиши аниқланди.

Иссиқхона маҳсулотлари бозоридаги рақобат даражасини таҳлил қилиб, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ички рақобат жуда заиф эканлиги аниқланди. Иссиқхоналар орасидаги рақобат асосан маҳаллий бозорларда амалга оширилмоқда, ушбу маҳсулотларнинг логистик географиясини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

“Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш йўллари” деб номланган учинчи бобда иссиқхона хўжаликларида сабзавотчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари, иссиқхоналарда сабзавотчиликни ривожлантиришнинг давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари, иссиқхона хўжаликлари самарадорлигини ошириш ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш истиқболлари келтирилган.

Замонавий энергиятежамкор иссиқхоналарни қурилиши етиштирилаётган сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш имконини беради. Бу эса, мамлакат аҳолисини маҳаллий, экологик хавфсиз, витаминли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга олиб келади.

Инновацион иссиқхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга кўпроқдир. Оддий иссиқхона йилига 90 дан 135 кг гача помидор беради, ўртача 1 м² дан

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

113 кг ёки 1130 т/гектар, инновацион иссиқхона 1 гектаридан $1,130,000 * 1,3 = 1469$ т беради. Ўзбекистон Республикасида 1 кг помидорнинг улгуржи нархи ўртача 1,5 АҚШ долларини ташкил этгани сабабли, инновацион иссиқхоналардан фойдаланишнинг иқтисодий самараси йилига одатдагига нисбатан $1,5 \times (14690 - 11300) = 5085$ АҚШ долларини ташкил этади.

Мамлакат аҳолисини пишиқчилик мавсумидан ташқари даврда экологик тоза, витаминли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, истиқболда маҳсулотни етиштириш ҳажмини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз: сабзавотларни етиштириш учун замонавий, энергиятежамкор иссиқхонанинг намунали лойиҳасини ишлаб чиқиш; сабзавотларни етиштириш учун замонавий иссиқхоналар қурилишини субсидиялаш; иссиқхоналарда янги замонавий технологияларни, технологик жараён ва микроиқлимни бошқаришнинг автоматлашган тизимларини жорий қилишни иқтисодий ҳамда молиявий рағбатлантириш.

Иссиқхона хўжаликларида сабзавотларни етиштиришда энг аввало давлатнинг кўмаги маҳаллий уруғчиликка лозим. Бунинг учун давлат-хусусий шериклик асосида иссиқхона сабзавотчилик кластерини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир (2-расм).


Иссиқхона сабзавотчилик кластерини шакллантиришдан мақсад, минтақадаги сабзавот тармоғини юқори технологик ва рақобатбардош саноатга айлантиришдир. Ушбу кластерни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

